

**Мавзу: «Курилиш майдонида  
ишлашда хавфсизлик  
техникаси»**

- Қурилиш майдонининг бош плани тузилганида хавфсиз иш бажаришнинг ҳамма шароитлари кўзда тутилади. Айниқса хавфли зоналарда ишлаш, битта Қурилиш майдонида бир неча ташкилотининг ҳамкорликда ишлашига, техниканинг тўпланиш жараёнларига катта эътибор берилади.

**Қурилиш майдонлардаги хавфли зоналар деб иш бажариш жойларида ишчиларнинг хаёти ва соғлигига хавф тугдириш мумкин бўлган иш жойлари, майдонларига нисбатан айтилади.**

Маълумотлар бўйича, бахтсиз ходисаларнинг **20%га яқини** қурилишда хавфли зоналарда содир булар экан.

**Хавфли зоналарга:** котлован ва зовур киргоклари, электр узатиш линиялари атрофи (30 м) транспорт воситалари, ишлайдиган механизмлар атрофи ва шу кабилар киради

■ Хавфли ишларга қуйидагилар киради:

- чуқур траншея ва котлованлар билан боғлиқ ишлар;
- портлаш ишлари;
- катта баландликдаги монтаж ишлари;
- оғир конструкция ва ускуналарни ташиш ва монтаж ишлари ва ҳакозо.

Аҳоли яшаш жойларида қурилиш майдони 2 метр баландликдаги девор билан тўсилади.

## Қурилиш майдонининг ҳамма жойида қуйидагилар кузда тутилади:

- - ўтиш ва транспорт юриш йўлларининг хавфсиз эни ( йўлакча-0,8 м, транспорт йўли 2,5 м);
- - ариқчалар, траншеялар, вақтинчалик сув тармоғи устидан кўприкчалар;
- - маиший -санитар бинолари;
- - ўтиш юриш жойларига белчилар-кўрсаткичлар;
- - йўлакчалар қиялиги  $20^{\circ}$  дан ошганда зинапоя ёки қўл билан тутиб юриш мосламаси;
- - чорраҳаларни сигнализация (ёруғлик-светофор) билан таъминлаш, темир йўл чорраҳасини шлагбаум билан таъминлаш, уларни кечки пайт ёритиши;

- Портловчи моддалар махсус кўрсатмаларга асосан сақланади, ишлатилади ва ҳисобга олиб борилади.
- Электр узатиш йўллари (ЛЭ) ва ускуналари билан ишлаганда махсус қоидаларга риоя қилинади.

# Экскаваторда котлован Қазиганда Қуйидагилар таъқиқланади:

- - хавфли зонада туриш ва юриш:
- - котлован девори четида туриш,
- - котлован ва траншея ичида дам олиш, ухлаш.

Агар иш бажарилаётган жойнинг остидан коммуникация йўли (газ, электр, юкори босимлик труба) ўтган бўлса, ер ковлаш ишлари шу йуларни ишлатувчи корхона назорати остида олиб борилади.

Баландликда ишлаганда ишчилар белбоғ (пояс) билан ўзларини боғлаб ишлашлари керак.

Кўзга кўринувчи жойда жароҳатланган кишиларга “тез ёрдам” машинасини ва врачни чақириш йўллари ёзиб (белгилари билан ) қуйилади.



## Темир-бетон конструкцияларини монтаж ва демонтаж ишларида хавфсизлик техникси

- Мелиоратив қурилишда қувур ўтказиш, ортиш-тушириш ва монтаж ишлари олиб борилади. Гидротехник иншоотларида монтаж ишларини олиб боришда тасдиқланган лойиҳа бўлиши лозим. Лойиҳа хавфсизлик ва ёнғинга қарши талабларга жавоб бериши лозим. Тасдиқланган лойиҳасиз монтаж ишларини бошлаш ман этилади. Монтаж ишларини бажаришда тиббиёт кўригидан ўтган, шу дастурдан имтиҳон топширган махсус ҳужжат олган 18 ёшдан кичик бўлмаган шахсларга рухсат этилади.

- Ҳамма ишчилар ишга тушишидан олдин хавфсизлик йўриқномасидан (инструктаж) ўтишлари лозим.
- Гидромелиоратив иншоотларини қуришда, топшириқларни бажаришда хавfli бўлган зоналарга ўтказилаётган ишчиларга ёзма равишда наряд-рухсатномалар берилади. У ерда хавfli зоналар ва хавфсизлик ҳақида баён этилади.

- Хавфлилик даражасини бош инженер аниқлайди ҳамда унга қўл қўяди. Иш тўхтагандан сўнг наряд - рухсатномаси ўз кучини йўқотади ва яна қайта иш бошлаганда янгиси берилади. Бу ишларни бажаришда 18 ёшдан кичик ва 60 ёшдан катта бўлмаган шахсларгина қўйилмайдилар.

- Ҳамма ишчилар махсус кийим билан таъминланишлари керак, махсус кийимсиз ишлаш ман қилинади.

Гидромелиоратив иншоотларда монтаж ишларини бажаришдан олдин у ерда ер ишларини бажариш лозим. Темир-бетон буюмлари (плита, латок, блоклар) махсус машиналарда ташиб ўтилади.

- Йиғма темир-бетон буюмлари ўз маркировкаси ва ёзуви билан бўлиниши керак. Уларни ортиш ва туширишда бошқа нарсаларга уриб олишдан эҳтиёт қилиш керак. Уларни кўтариб олишда хатоликка йўл қўйилса дарҳол тушириб, қайтадан кўтариш ЛОЗИМ.





